Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлари миллий валютада олинган даромадлар билан жамланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

#### **1. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар.**

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиги, акциз солиги ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромаддир.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жүнатылған товарлар (бажарилған ишлар, күрсатилған хизматлар) қийматидан келиб чиқсан ҳолда товарларни жүнатыш, ишларни бажариш, хизматлар күрсатыш ҳолларини тасдиқловчи хужжатлар асосида белгиланади.

Воситачилик фаолиятидан даромадлар оладиган юридик шахслар учун тушум дейилгандың күрсатилған хизматлар учун олиниши лозим бўлган ҳақ суммаси тушунилади.

Нашриёт ва таҳририятлар учун газета ва журналларни реализация қилишдан олинган тушум уларда рекламани жойлаштиришдан олинган даромадлар киритилған ҳолда аниқланади.

Мол-мулкни ижарага беришдан фоизлар, роялти, даромадлар олиш имконини берувчи мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишдан олинган даромадлар, агар ушбу даромадлар суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларнинг умумий суммасидан ортиқ бўлса, хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади. Мазкур норма нотижорат ташкилотларга татбиқ этилмайди, улар учун ушбу даромадлар бошқа даромадлар сифатида қаралади.

Кредит, суғурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун Солиқ кодексининг тегишинча [148](#), [150](#) ва [152-моддаларида](#) күрсатилған даромадлар хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади.

Узок муддатли контрактларни бажаришдан олинадиган даромадлар уларнинг ҳақиқатда босқичма-босқич бажарилишига тааллукли қисмида ҳисобот даври мобайнида ҳисобга олинади.

Узок муддатли контрактнинг ҳисобот даври охирида ҳақиқатда бажарилғанлиги контрактни бажаришга киришилганидан эътиборан қилинган харажатларнинг контрактни бажариш учун кетадиган харажатларнинг умумий суммасидаги солиштирма салмоғини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.

Ҳисобот даври охиридаги даромад контракт бўйича қилинган харажатларнинг ҳисобланган солиштирма салмоғи ва жами даромад суммасининг (контракт баҳосининг) ҳосиласи сифатида аниқланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни аниқлашда чегириб ташланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-қидирав ва илмий ишлар (хизматлар) бўйича, шунингдек обьектларни фойдаланишга тайёр қилиб қуриш чоғида шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб хужжатлари тақдим этилган, буортмачилар томонидан бажарилған (күрсатилған) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) қўшилған қиймат солиғи киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга

олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиши мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади, Солиқ кодекси 130-моддасининг **ўн иккинчи қисмида** назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи маҳсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солиши мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган тушум товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

## **2. Бошқа даромадлар таркиби.**

Бошқа даромадларга, агар Солиқ кодекси 130-моддасининг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуидагиларни ўз ичига олади:

- 1) солиқ тўловчининг Солиқ кодексининг 133-моддасига мувофиқ асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;
- 2) Солиқ кодекси 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- 3) Солиқ кодекси 134-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- 4) Солиқ кодексининг 135-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк, мулкий ҳукуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;
- 5) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;
- 6) ҳисбот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;
- 7) Солиқ кодексининг 136-моддасига мувофиқ мажбуриятларни ҳисбдан чиқаришдан олинадиган даромадлар;
- 8) Солиқ кодексининг 137-моддасига мувофиқ талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиши шартномаси бўйича олинган даромадлар;
- 9) Солиқ кодексининг 138-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки заарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар;
- 10) Солиқ кодексининг 139-моддасига мувофиқ хизмат қўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар;
- 11) Солиқ кодекси 157-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган жарималар ва пеня;

13) Солиқ кодексининг 140-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарқ;

14) дивидендлар ва фоизлар;

15) роялти;

16) товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар.

Кўшилган қиймат солиғи солинадиган бошқа даромадлар қўшилган қиймат солиғи суммаси чегирилган ҳолда аниқланади.

### **Харажатларни гурухлаш.**

Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади, Солиқ кодексига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар, Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига ва (ёки) солиқ тўловчининг ҳисобга олиш сиёсатига мувофиқ расмийлаштирилган заарлар ҳам солиқ тўловчининг харажатлари бўлади.

Солиқ тўловчининг харажатлари ҳақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилган бўлса, ўша даврда чегириб ташланади. Агар айни бир хил харажатлар харажатларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда мазкур харажатлар факат бир марта чегириб ташланади.

Солиқ тўловчи сарфлаган ва қиймати чет эл валютасида ифодаланган харажатлар қиймати миллий валютада ифодаланган харажатлар билан жамлаб ҳисобга олиналиди. Мазкур харажатларни қайта ҳисоблаш солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг харажатлари **чегириб ташланадиган** ва **чегириб ташланмайдиган** харажатларга бўлинади.

### **Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:**

1) Солиқ кодексининг 142-моддасига мувофиқ моддий харажатлар;

2) Солиқ кодексининг 143-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3) Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ амортизация харажатлари;

4) Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ бошқа харажатлар;

5) Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисбот давридаги харажатлар.

Солиқ тўловчининг Солиқ кодекси 141-моддасининг олтинчи қисмида кўрсатиб ўтилган харажатлари, агар улар Солиқ кодексининг 147-моддасида кўрсатилган чегириб ташланмайдиган бирон бир харажат таркибида ҳисобга олинса (унинг бир қисми бўлса), **чегириб ташланадиган харажатлар бўлмайди.**

### **Қуйидагиларга солиқ тўловчининг харажати сифатида қаралмайди:**

1) воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш учун бошқа шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши муносабати билан, шунингдек комитетент ёки бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларга ҳақ тўлаш ҳисобига воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан топширилган мол-мулк тарзидаги тўловлар, агар бундай харажатлар тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ воситачи ёки бошқа ишончли вакилнинг ёхуд бошқа топшириқ берувчининг харажатлари таркибиға киритилиши лозим бўлмаса;

2) солик тўловчи эмитент томонидан топширилган, акциядорлар ўртасида акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан ўзларига тегишли акциялар миқдорига мутаносиб равишда тақсимланадиган акцияларнинг қиймати ёхуд эмитентнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилган тақдирда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлашда дастлабки акциялар ўрнига берилган янги акцияларнинг номинал қиймати билан акциядорнинг дастлабки акцияларининг номинал қиймати ўртасидаги фарқ;

3) бошқа юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ёки оддий ширкатга ҳисса сифатида берилган мол-мулк, мулкий ҳукуқлар қиймати.

### **3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғида календарь йил солик давридир.

Йилнинг чораги эса ҳисбот давридир.

**Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби.**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш Солиқ кодексининг **128-моддасига** мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солик солинадиган базадан ва белгиланган ставгадан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

<i>Солиқ солинадига =</i>	<i>Жами даромад</i>	<i>Чегириб ташланадига - н</i>	<i>Имтиёзлар ва камайтириши суммалари</i>	<i>Тақсимлаб ўтказиладиган зарарлар суммаси (ўтган давларга тегишли зарарлар мавжуд бўлганда)</i>
<i>н база</i>		<i>харажатлар</i>		

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби, агар ушбу моддада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисботни (эркин шаклда),

шунингдек юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соф фойдадан олинадиган солиқ суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тугатилган тақдирда, бу хужжатлар фаолият тугатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.

### **Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлаш тартиби.**

Ҳисбот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган фойда солигини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар, Солиқ кодекси 164- моддасининг [тўртинчи қисмида](#) кўрсатилган солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисбот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисбот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай Солиқ кодекси 164- моддасининг [иккинчи қисмига](#) мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

Ҳисбот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисбот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солигини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичida тўлайди.

**Молиявий натижаларни шакллантириш ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича шартли масала.**

*Корхона ҳисобот даврида 30 000 000 сўмга маҳсулотни КҚС билан реализация қилди.*

*Реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи 20 000 000 сўмни ташкил этади.*

*Ҳисобот даврида давр харажатлари қуидагилардан иборат бўлган:*

*Сотиши харажатлари 500 000 сўм;*

*Раҳбарият харажатлари 800 000 сўм;*

*Банк харажатлари 300 000 сўм.*

*Асосий воситаларни чиқиб кетишидан корхона 400 000 сўм даромад қилган.*

*Корхона курс фарқларидан 120 000 сўм даромад қилган.*

*Корхона банкдан олган кредитига 200 000 фоиз тўлаган.*

Ҳисобот даврига корхона томонидан тўланадиган фойда солиғи қуидагича бўлади (фойда солиғи ставкаси 15% ни ташкил этади):

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда:

$$\text{ЯФ=ССТ-ИТ}=26\ 086\ 956,52 - 20\ 000\ 000 = 6\ 086\ 956,52$$

ССТ - сотишдан олинган соф тушум **26 086 956,52** сўм

(30 000 000 – 3 913 043,48 (КҚС 30 000 000\*15/115=26 086 956,52)

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – 20 000 000;

Асосий фаолиятдан қўрилган фойда:

$$\text{АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ} = 6\ 086\ 956,52 - 1\ 600\ 000 + 400\ 000 - 0 = \\ 4\ 886\ 956,52$$

ДХ-давр харажатлари 1 600 000 сўм (500 000 + 800 000 + 300 000);

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар – 400 000 (асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромад)

БЗ-асосий фаолиятдан қўрилган бошқа заарлар йўқ;

Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заарар:

$$\text{УФ=АФФ+МД-МХ} = 4\ 886\ 956,52 + 120\ 000 - 200\ 000 = 4\ 806\ 956,52$$

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар – 120 000 сўм (ижобий курс фарқи);

МХ - молиявий фаолият харажатлари – 200 000 (банк фоизи);

### Жами даромадлар

Даромадлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
1	2	3
<b>Жами даромадлар (020-сатр - 220-сатрлар йигиндиси), шу жумладан</b>	010	26,606,956.52
Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад (021-сатр - 026-сатрлар йигиндиси), шу жумладан фаолият турлари кесимида	020	26,086,956.52
Улгуржи-чакана савдо	021	26,086,956.52
▼	022	
▼	023	
▼	024	
▼	025	
▼	026	
Кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад	030	
Суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади	040	
Амортизация қилинадиган активларнинг баётка мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад	050	400,000.00
Мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно	060	
Текин олинган мол-мулк (хизматлар), молиявий ёрдамлар	070	
Инвентаризация натижасида аниланган ортиқа товар-моддий захираларнинг ва баётка мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад	080	
Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад	090	
Талаб қилиш хукуидан ўзганинг фойдасига воз кечиши шартномаси бўйича олинган даромад	100	
Дивиденклар тарзидаги даромадлар	110	
Фоизлар тарзидаги даромадлар	120	
шу жумладан, солиқ агенти томонидан тўлов манбаида солиқ суммаси ушлаб қолинган	121	
Валюта курси фарқидан даромадлар	130	120,000.00
шу жумладан, нотижорат ташкилотларининг валюта курси фарқидан даромадлари	131	
Молиявий ижара (лизинг) нотижорати бинодан кедишилган бўйича мол молиявий тарзи олинган даромад	140	

Солиқ тўлангунгача олинган фойда:

$$\mathbf{СТФ=УФ+ФП-ФЗ = 4\,806\,956,52 + 0 - 0 = 4\,806\,956,52}$$

ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда йўқ;  
 ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар йўқ;

- йилнинг соғ фойдаси:

$$\mathbf{СФ=СТФ-ДС-БС = 4\,806\,956,52 - 721\,043,48 - 0 = 4\,085\,913,04}$$

ДС - фойдадан тўланадиган солиқ, фойда солиги **721 043,48** сўм (**4 806 956,52** x 15%) ;  
 БС - бошқа солиқлар ва тўловлар

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТУГРИСИДА ХИСОБОТ - 2-сонли шакл

## Үлчов бирлиги, минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарараплар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарараплар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соғф тушум	010		x	26,086,956.52	x
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x		x	20,000,000.00
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялли фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030			6,086,956.52	0.00
Давр харажатлари, жами (сатр.050+080+070+080).шу жумладан:	040	x		x	1,600,000.00
Сотиш харажатлари	050	x		x	500,000.00
Маъмурӣ ҳаражатлар	060	x		x	800,000.00
Бошиқа операцион ҳаражатлар	070	x		x	300,000.00
Хисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан кепгусида чегирладиган ҳаражатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x	400,000.00	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100			4,886,956.52	0.00
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160). шу жумладан:	110		x	120,000.00	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x	120,000.00	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x		x	200,000.00
Фоизлар шаклидаги ҳаражатлар	180				
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги ҳаражатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар	210	x		x	200,000.00
Умухӯжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220			4,806,956.52	0.00
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240			4,806,956.52	0.00
Фойда солиги	250	x		x	721,043.48
Фойдадан бошқа соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x		x	
Хисобот даврининг соғф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270			4,085,913.04	0.00

Кўрсаткичлар (ўсиб борувчи тартибда тўлдирилди)		Сатр коди	Сумма
Жами даромадлар (Хисоб-китобнинг 1-иловаси 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри - 131-сатри - 150-сатри)		010	26,606,956.52
Чегирлаидиган харажатлар (Хисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри 3-устун - 4-устун)		020	21,800,000.00
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр - 020-сатр)		030	4,806,956.52
Имтиёзлар - жами (Хисоб-китобнинг 4-иловаси 030-сатри)		040	0.00
Ноль ставка юўлланадиган солиқ тўловчилар фойдаси (Хисоб-китобнинг 5-иловаси 030-сатри)		050	0.00
Солиқ базаси (030-сатр – 040-сатр - 050-сатр), бироқ "0" дан кам эмас		060	4,806,956.52
Фойда солигининг белгиланган ставкаси, фоизда		070	15.00
Ногиронлиг ўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахслар учун тузатилган солиқ ставкаси		071	15.00
Фойда солиги суммаси – жами (060-сатр x 070-сатр ёки 060-сатр x 071-сатр)		080	721,043.48
Ушбу ҳисобот даврида ҳисобланган жами ойлик бўнак тўловлари		090	
Онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминлови маҳсус курилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммаси		100	
Доимий муассаса сифатида ҳисобга юўллануғина қадар тўлов манбайда ушлаб қолинган фойда солиги суммаси		110	
Доимий муассасадан ҳисобот даврида соф фойдаси		120	
Доимий муассасадан олинадиган солиқ ставкаси		130	
Доимий муассасадан соф фойдасадан олинадиган солиқ суммаси (120-сатр x 130-сатр)		140	
Фойда солигининг бюджетга тўланиши лозим ўлган жами суммаси (080-сатр – 100-сатр – 110-сатр + 140-сатр - Хисоб-китобнинг 8-иловаси 090-сатри + Хисоб-китобнинг 9-иловаси 060-сатри)		150	721,043.48

**Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.**

№	Хўжалик операциясининг мазмuni	Сумма, сўм	Счёtplar Корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар амалга оширилди	<b>500 000</b>	4410	5110
2	Ҳисобот даври учун фойда солиги ҳисобланди	<b>721 043,48</b>	9810	6410
3	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳисобга олинди	<b>221 043,48</b>	6410	4410
4	Бюджетга фойда солиги ўтказилди	<b>221 043,48</b>	6410	5110

**Куйидаги хўжалик операциялардан фойдаланиб юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ҳисобланг:**

№	Операция мазмуни	Дт	Кт	Сумма
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	4010	9010	80 000 000,00
2	Сотилган маҳсулотнинг таннархи	9110	2810	60 000 000,00
3	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромад	9210	9310	5 000 000,00
4	Ижарадан олинган даромад	4820	9350	3 000 000,00
5	Банк харажатлари	9430	5110	1 000 000,00
6	Солиқлар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар	9430	6960	2 500 000,00

7	Коммунал түловлари ҳисобланди	9430	6010	800 000,00
8	Олинишга ҳисобланган дивидендер	4840	9520	4 000 000,00
9	Банк кредити бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920	6 000 000,00
10	Курсдаги салбий фарқлар ҳисобга олинди	9620	5210	200 000,00
11	Сотилган маҳсулотларнинг бир қисми қайтарилиди	9040	4010	8 000 000,00
12	Қайтарилиган маҳсулотларнинг таннархи ҳисобга олинди	2810	9110	6 000 000,00
13	Фойда солиги ҳисобланди			
14	Фойда солиги тўланди			

Товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан олинадиган даромадга қандай қилиб тузатиш киритилади.

Товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига қўйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилиганда;
- битим шартлари ўзгарганда;
- баҳолари ўзгарганда, сотиб олувчи сийловлардан фойдаланганда;
- бажарилган иш, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Шунингдек даромадга кафолат муддати давомида бир йиллик муддат мобайнида кафолат тақдим этилган товар (иш, хизмат)ларга тузатиш киритиш имконияти мавжуд.

Товарлар қайтарилиган, битим шарти ўзгарган ва шу каби ҳолатлар содир бўлганда солик даврига тузатиш киритиш мумкин<sup>1</sup>. Худди шу даврда реализация қилишдан соғ тушумни Молиявий натижалар тўгрисидаги хисоботнинг<sup>2</sup> 010-сатрида акс эттириладиган кўрсаткичга тузатиш киритиш суммасини акс эттирилади.

Мисол. Корхона 2018 йил октябр ойида 120 000 минг сўм товар реализация килди, шу жумладан 20 000 минг сўми ҚҚСни ташкил этади. 2019 йил апрел ойида 24 000 минг сўмлик товар қайтарилиди, шундан 4 000 минг сўмлик ҚҚСни ташкил этади. Реализация қилишдан олинган 100 000 минг сўм даромадни 2018 йилги хисоб ва хисоботда акс эттириш лозим, товарнинг қайтарилиши ва даромаднинг 20 000 минг сўмга камайтирилишини 2019 йил кўрсатилиши керак.

Даромадларга тузатиш киритиш чоғида кўшимча ҳисобварак-фактура тузилади. У товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланиши лозим бўлади<sup>3</sup>.

Кўшимча ҳисобварак-фактура да қўйидагилар акс этиши керак:

- хужжат рақами ва тузилган санаси;
- хужжатни расмийлаштириш вақтида тўлдирилиши зарур бўлган реквизитлар;
- тузатиш киритилишига асос бўлган ҳисобварак-фактуранинг рақами ва санаси;
- ҚҚСиз қийматга тузатиш киритиш суммаси;
- ҚҚСга тузатиш киритиш суммаси;
- ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қийматга тузатиш киритиш суммаси.

## ТОВАР ҚАЙТАРИЛГАНДА

Етказиб бериш шартномасида товарни тўлиқ ёки қайtариш эҳтимоли назарда тутилиши мумкин:

- етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар белгиланган талаабга жавоб бермаса ёки умумэътироф этилган стандартларга мувофиқ келмаса;
- брак чиққанида;
- сотиб олувчидан товарларнинг бутун партиясига етадиган маблағ мавжуд бўлмаганида;
- бошқа ҳолларда.

<sup>1</sup> Солик кодексининг 131-моддаси 4-қисми

<sup>2</sup> 2-илова, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатга олинган

<sup>3</sup> Солик кодексининг 222-моддаси

Товарларнинг қайтарилишини 9040-“Сотилган товарларнинг қайтиши” счётининг дебети бўйича акс эттирилиб, бу билан жорий хисобот давридаги товарлар реализацияси килишдан олинган даромадга камайтирилади.

**Мисол. Махсулот қисман қайтарилиганида даромадга тузатиш киритши**

2019 йил 15 январдаги 12-сонли шартномага бўйича 2019 йил 12 мартағи 81-хисобварак-фактурага асосан 120 000 минг сўмлик 1000 бирлик товар олинди, шундан 20 000 минг сўми ҚҚСни ташкил этади. Махсулот бирлигининг таннархи – 80 000 минг сўм. 24 апрел куни 92-хисобварак-фактурага асосан 24 000 минг сўмлик 200 та маҳсулот бирлиги қайтарилид, шу жумладан 4 000 минг сўмлик ҚҚС.

Махсулотни қайтариш учун кўшимча хисобварак-фактурани тўлдириш тартибини кўриб чиқамиз.

**2019 йил 15 январдаги  
12-сонли шартномага  
(2019 йил 12 мартағи  
81-хисобварак-фактурага қўшимча)  
2019 йил 24 апрел куни 92-сон  
ХИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи: “ОМАД” МЧЖ  
Манзил: Қарши ш. Ўзбекистон -56 уй  
Етказиб берувчининг идентификацион  
рақами (СТИР) 301893197  
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди  
323250651249

Сотиб олувчи: “ALITEХ” МЧЖ  
Манзил: Самарқанд ш. С.Усмонов -156 уй  
Етказиб берувчининг идентификацион  
рақами (СТИР) 359972249  
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди  
36594875262

№	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиг и	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобага олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Махсулот	дона	- 200	100 000	- 20 000 000	20%	- 4 000 000	- 24 000 000
<b>Жами тўлашга: минус йигирма тўрт миллион сўм</b>					- 20 000 000		- 4 000 000	- 24 000 000

Раҳбар \_\_\_\_\_

Олдим: \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлганда)

Товарни бердим \_\_\_\_\_

(етказиб берувчи масъул шахс имзоси)

Хисобварак-фактурани етказиб берувчининг раҳбари ва бош бухгалтери имзо қўяди. Товар қайтарилиганида “Товарни бердим” устунига сотиб олувчининг масъул шахси имзо қўяди, “Олдим” устунига эса қайтарилиган товарни олаётган етказиб берувчининг вакили имзо қўяди.

Ушбу операция бухгалтерия хисобида қуйидаги қўринишда акс эттирилади:

сана	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtlарнинг корреспонденцияси	
			дебет	кредит
12.03.2019	Сотиб олувчига маҳсулот берилди	80 000 (1000 дона)	9110-“Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи”	2810-“Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

	Реализация қилишдан олинган даромад	100 000	4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар"	9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар"
	ҚҚС	20 000	4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар"	6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз-ҚҚС"
24.04.2019	Маҳсулот қайтарилди	16 000 (200 дона)	2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар"	9110-"Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннахи"
	Реализация қилишдан олинган даромадга тузатиш киритилди	20 000	9040-"Сотилган товарларнинг қайтиши" 9010-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар"	4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар" 9040-"Сотилган товарларнинг қайтиши"
	ҚҚСга тузатиш киритилди	4 000	6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз-ҚҚС"	4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар"

## **1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар ва жами даромад таркиби.**

### **Солиқ тўловчилар.**

Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

### **Солиқ солиши объекти.**

Жисмоний шахсларнинг қуидаги даромадлари солиқ солиши объектидир:  
Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон

Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон  
Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, Солиқ кодексининг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиши объекти бўлмайди.

### **Солиқ солинадиган база.**

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 179 ва 180-моддаларига мувофиқ солиқ солишидан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишилар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишилар солиқ солинадиган базани камайтиrmайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

### **Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби.**

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қўйидагилар киради:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкий даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қўйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиши муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айrim тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) хизмат сафарларидаги қўйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса,

шашарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

дала таъминоти;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан Солиқ кодексининг 174 ва 178-моддаларида кўрсатилганлари мустасно;

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиқка бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ заарнинг ўрнини қоплаш бўйича қўйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, заарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиқсан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтоҷ жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг майиб парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртacha иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қўйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртacha иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан заарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилияtsиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан заарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртacha йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

11) талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўtkазиладиган тўловлар;

13) Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари. Ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки ҳаммасини қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

14) юридик шахсдан — иш берувчидан:

ёш оилалар аъзолари томонидан уй-жой олиш учун олинган маблағлар;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой куриш учун кредитлар бериш қонун хужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банклар томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадал сифатида қурувчи шахс томонидан олинган маблағлар.

Уй-жой олинган (мулкка бўлган ҳукуқлар давлат рўйхатидан ўtkазилган) санадан эътиборан беш йил ичida сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳаражатлари.

## **2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида имтиёзларни хисобга олиш.**

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

Солиқ кодексининг 178-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда.

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек санаторий-курорт ва

соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган хужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигига, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банқдаги хисобвараfiga киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун хужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга teng баҳодаги эсадлик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти ва совғалар;

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

10) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

11) жисмоний шахсларга хусусий мулк хуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мulkни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан:

қимматли қофозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қофозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;

кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, тураг жойларни сотишдан олинадиган даромадлар мустасно.

12) уй хўжалигида, шу жумладан дехқон хўжалигида етиширилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солик тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солик тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиширилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги хужжатни тақдим этган тақдирда, солик солишдан озод қилинади агар қонун хужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

14) юридик шахсдан солик даври мобайнида энг кам меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 2,11 баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам.

15) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижроилиарининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиrolар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (хуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

16) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қофозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

17) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қофозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

18. халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган органнинг хulosasi бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахснинг грант берувчидан олган гранти суммаси.

20) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун хужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг bemor аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тузидағи тўловлар;

21) олинган алиментлар;

22) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

23) қонун хужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

24) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун хужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

25) давлат пенсиялари;

27) жамғаривор бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғаривор бориладиган пенсия тўловлари;

28) фуқароларнинг солик солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида сугурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича сугурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

29) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига — юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиби-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солик суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солик солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни ушбу мақсадлар учун кредитлар бериш қонун хужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банкларнинг кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган қурувчи шахслар, шунингдек уларнинг мазкур кредитлар бўйича биргаликдаги қарз оловчи бўлган оила аъзолари томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Юқорида кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичидан сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солик солинади.

31) фуқароларнинг солик солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғаривор бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равища йўналтириладиган суммалари;

32) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидағи даромадлар, агар мазкур

улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса;

33) пахта йифим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари;

34) акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадлари.

### **Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиш.**

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошликлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларида хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибида кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошликлари таркибида киравчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

7) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судлар судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари — уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича;

8) концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар — ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

9) якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар — якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномасига кўра бажарган ишлари учун олган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари микдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун хужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

5) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидағи хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яралангандиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи кўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидағи хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз факат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

10) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

11) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва бокувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг бокувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

12) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиласидан фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

### **3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.**

#### **Солиқ даври. Ҳисобот даври.**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги даромад тўлаш манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини ушлаб қолувчилар учун ҳисобот давридир.

#### **Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби.**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидаги ҳолати инобатга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш белгиланган солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиқсан ҳолда даромад ҳисбланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғарив бориладиган пенсия ҳисобвақларига ўtkaziladigan ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш

жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солик тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ва солик тўловчининг идентификация рақами тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Солик кодекси 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбоисидаҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. \*\*\*\*\* Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга кўйилган жойдаги давлат солик хизмати органига ўттиз кун ичida ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан Солик кодекси 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбоисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, \*\*\*\*\* белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушбу бўлимда назарда тутилган имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солик агентлари жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари

шарт. Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солифининг якуний суммаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солик хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

### **Ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби.**

Солик агентлари:

1) асосий бўлмаган иш жойидан даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда, солик даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичida давлат солик хизмати органларига маълумотнома тақдим этиши шарт. Маълумотномада қўйидагилар акс эттирилади:

солик тўловчининг — жисмоний шахснинг идентификация рақами;

солик тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яаш жойи манзили;

ўтган солик даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солишининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

солик агентининг идентификация рақами;

солик агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили).

Жисмоний шахсларнинг қўйидаги даромадлари бўйича, уларнинг олинган жойидан қатъи назар, маълумотнома тақдим этилмайди:

дивидендлар, фоизлар тарзидаги даромадлар;

**Солик кодексининг 181-моддасига мувофик** \*\*\*\*\* жисмоний шахслардан олинадиган даромад солишининг белгиланган энг кам ставкаси бўйича солик солинадиган даромадлар;

жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида белгиланган энг юқори ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадлар.

2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисботини тақдим этиш муддатида давлат солик хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солишининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт. Йил якунлари бўйича ҳисобланган ва амалда тўланган даромадларнинг суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солишининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 25 мартаға қадар тақдим этилади.

### **Солик тўлаш тартиби.**

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қўйидаги муддатларда тўланади:

пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда, иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди;

тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварагида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўtkазиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварагидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўtkазилади.

### **3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.**

**2022 йил март ойи учун иш ҳақи ҳисоблаш қайдномаси**

№	ФИО	Табель рагами	Ҳисобланган иш ҳақи	Ушланмалар				Кўлга тегадиган сумма	
				Тўловлар					
				Ҳисобланган ЖШО даромад солиғи	Бюджетга ўтказили даромад солини	Ҳалқ банкига ўтказилидиган 1 фоиз суммаси	Жами ушланмалар		
1	2	3	4	5	6	7=5-6	8=5	9=4-8	
1	1- ходим	001	7 850 000	942 000	934 150	7 850	942 000	6 908 000	
2	2- ходим	002	8 502 000	1 020 240	1 011 738	8 502	1 020 240	7 481 760	
3	3- ходим	003	9 500 000	1 140 000	1 130 500	9 500	1 140 000	8 360 000	
4	4- ходим	004	1 582 000	189 840	188 258	1 582	189 840	1 392 160	
	<b>Жами</b>	<b>xxx</b>	<b>27 434 000</b>	<b>3 292 080</b>	<b>3 264 646</b>	<b>27 434</b>	<b>3 292 080</b>	<b>24 141 920</b>	

**Иш ҳақи ва ундан ушланмаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш**

Операция мазмуни	Счёtlар корреспонденцияси	Сумма
------------------	------------------------------	-------

	<b>Дебет</b>	<b>Кредит</b>	
Ишлаб чиқаришдаги ходимларга иш хақи ҳисоблашда	2010	6710	<b>27 434 000</b>
Иш ҳақидан ЖШОД солиги ушлаб қолинди	6710	6410	<b>3 264 646</b>
Ходимларнинг иш ҳақидан ШЖБПХга бадаллар ҳисобланди	6410	6530	<b>27 434</b>

### Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўтказиб берилиши

<b>Операция мазмуни</b>	<b>Счёtlар корреспонденцияси</b>		<b>Сумма</b>
	<b>Дебет</b>	<b>Кредит</b>	
Бюджетга ЖШОД солиги ўтказиб берилди	6410	5110	<b>3 264 646</b>
ШЖБПХга бадаллар ўтказилди	6530	5110	<b>27 434</b>

### Иш ҳақи тарқатиш билан боғлиқ операциялар

<b>Операция мазмуни</b>	<b>Счёtlар корреспонденцияси</b>		<b>Сумма</b>
	<b>Дебет</b>	<b>Кредит</b>	
Касса ойлик иш ҳақи олиб келинди	5010	5110	<b>24 141 920</b>
Ойлик иш ҳақи тарқатилди	6530	5110	<b>24 141 920</b>

### Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ва ижтимоий солик ХИСОБ-КИТОБИ

(йил бошидан ўсib борувчи якун билан тўлдириллади)

(сўмда)

Кўrsatkiчlar	Satr kodи	Ҳисобланган даромад суммаси	Ижтимоий солик			Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	ШЖБПХга ҳисобланган мажбурий (ижтиёрий) бадаллар суммаси
			Жами	Унумбелгиланг ан ставка бўйича	Бошқа ставкалар бўйича		
1	2	3	4	5	6	7	8
Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (011-сатр+0111-шундан:	010	27 434 000,00	x	x	x	x	x
Мехнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 371-моддаси)	011	27 434 000,00	27 434 000,00	27 434 000,00		x	x
шундан, ҳисобот даврида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш даромадларни япомалмайди. (Хисоб-китобга бўйича ишланадиган 13-х.ст.хин.)	0110	27 434 000,00	27 434 000,00	27 434 000,00		x	x
Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаш учун чет эзлик ходимидаарни, беомши, бўйимса, хизматлар, кўмосатлиши, шаҳотномасига	0111					x	x
Жисмоний шахсларни касана-чилик фаолигитдан олинган	014		x	x	x	x	x
Ижтимоий солик ҳисобланмагандиган тўлов турлари (Хисоб-	020	x				x	x
Жисмоний шахсларнинг солик солишиндан озод этилган	030	x	x	x	x		x
Солик базаси	040	x	27 434 000,00	27 434 000,00		27 434 000,00	x
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги, ижтимоий	050	x	x	12,00		12,00	0,10
Ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги,	060	x	3 292 080,00	3 292 080,00		3 292 080,00	27 434,00
Ҳисобот даври учун кўшимча ҳисобланган жисмоний шахслардан	070	x	x	x	x		x
ШЖБПХга ижтиёрий тўланган бадал суммаси	080	x	x	x	x	x	
Жами ҳисобот даврида тўланни лозим бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги, ижтимоий солик ва	090	x	3 292 080,00	3 292 080,00		3 264 646,00	27 434,00

#### 4-mavzu. Qo'shilgan qiymat va aksiz soliqlarining hisobi

Qo'shilgan qiymat solig'i tushunchasi va uning davlat budgetining daromad qismidagi ulushi. Qo'shilgan qiymat solig'i to'lovchilari. Qo'shilgan qiymat solig'I obyektlariini hujjatlashtirish. Soliq hisobi tamoyillari asosida qo'shilgan qiymat solig'ini hisoblash. Qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha soliq hisobotini tuzish va taqdim etish.

Qo'shilgan qiymat solig'i oborotini aniqlash. Qo'shilgan qiymat solig'I bo'yicha imtiyozlarni hisobga olish tartibi.

Aksiz solig'i bo'yicha taqdim yetiladigan hisob-kitoblarni to'ldirish va taqdim etish tartiblari.

Xo'jalik yurituvchi subyektlarning mahsulot ishlab chiqarish dasturi; mahsulot realizatsiya hajmi; mahsulot bahosi; mahsulot tannarxi; mahsulotning kelishilgan yerkin bahosi; soliq imtiyozlari va amalagi soliq stavkalari. Import qilinadigan ishlar, xizmatlar va tovarlar bo'yicha bojxona bojlarining hisobi, yukbojxona dekloratsiyasini tuzish va taqdim etish tartiblari.

#### **1. Кўшилган қиймат солиги тўловчилар.**

##### **Кўшилган қиймат солиги тўловчилар қўйидагилардир:**

1) солик солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

2) Солик кодексигага мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солик солинадиган оборотлар учун кўшилган қиймат солиги тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

4) оддий ширкат солик солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

##### **Қўйидагилар қўшилган қиймат солиги тўловчилар ҳисобланмайди:**

➤ **нотижорат ташкилотлар.** Бунда юқоридаги биринчи қисмининг **2 ва 3-бандларида** назарда тутилган ҳолларда, шунингдек тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотини ҳамда Солик кодекси 199-моддаси биринчи қисмининг **5 ва 6-бандларида** кўрсатилган оборотларни амалга оширганда нотижорат ташкилотлар ушбу оборотлар бўйича қўшилган қиймат солигини тўловчилар бўлади. Бунда Солик кодексининг **132-моддасида** кўрсатилган бошқа даромадларни олиш тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралмайди;

➤ агар Солик кодексининг **XX бўлимида** бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солик кодексига мувофиқ **солик солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.**

Ягона солик тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органларига йилнинг навбатдаги

чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тұловини тұловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

## 2. Кўшилган қиймат солиғи базаси ва объекти.

### **Солиқ солиши объекти қуйидагилардир:**

- ✓ **солиқ солинадиган оборот;**
- ✓ **солиқ солинадиган импорт.**

### **Кўшилган қиймат солиғида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти**

**Солиқ кодекси 199-моддасига** \*\*\*\*\* мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

**1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:**

товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);  
устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;

мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар Солиқ кодекси 199-моддаси иккинчи қисмининг **6-бандида** бошқача \*\*\*\*\* қоида назарда тутилган бўлмаса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивиденdlар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

**2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар Солиқ кодексига мувофиқ мустақил солиқ тұловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;**

**3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;**

**4) тұловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;**

**5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;**

**6) интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;**

**7) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда Солиқ кодексининг **147-моддасига** \*\*\*\*\* мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган солиқ тұловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб**

**чиқарған товарларни бериш, ўз кучи билан ишларни бажариш, хизматлар күрсатиш.**

**Күйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:**

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан Солиқ кодекси 199-моддасининг биринчи қисми **7-бандида** \*\*\*\* назарда тутилган харажатлар мустасно;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар Солиқ кодексига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) қайтариладиган тарани жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилима, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш;

7) банклар ва суғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкий хукуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулқдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулқдорга бериш;

12) обьект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш.

13) товарлардан фойдаланишининг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча хақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

## **Қўшилган қиймат солиғида солиқ солинадиган импорт.**

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар солиқ солинадиган импортдир, бундан қуидаги қуидаги товарларни импорт қилиш мустасно:

1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун хужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кирилаётган товарлар;

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кирилаётган товарлар;

4) давлатлар, хукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кирилаётган товарлар;

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл хукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) маблағлари, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлар;

6) дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринарияга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун хужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё. Мазкур имтиёз олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган **рўйхат** бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситаларига, ветеринария дори воситаларига, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларга нисбатан татбиқ этилмайди;

7) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун хужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

8) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

9) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимишининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича маҳсус орган

томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

10) қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч.

### **Кўшилган қиймат солиғида солинадиган базани белгилаш.**

Солиқ солинадиган база, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун Солиқ кодекси 199-моддаси биринчи қисмининг **7-бандига** \*\*\*\*\* мувофиқ товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар қўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиши мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади **Солиқ кодекси 204-моддасининг учинчи қисмида** \*\*\*\*\* назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи маҳсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солинадиган база солиқ солиши мақсадида товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий нархидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, **Солиқ кодексининг 232-моддасига** мувофиқ \*\*\*\*\* ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек обьектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир. Агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳукуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати солиқ солинадиган базадир.

Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ

солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солигини хисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солик солинадиган базага акциз солигининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солик солинадиган база қўшилган қиймат солиги суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда, солик солинадиган база қўшилган қиймат солиги суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солик тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солигини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солик солинадиган базадир. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган, молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиладиган сумма тарзида белгиланади.

Курилиши тугалланмаган обьект реализация қилинган тақдирда, солик солинадиган база қўшилган қиймат солиги суммасини ҳам ўз ичига оладиган, курилиши тугалланмаган обьектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Кредит ташкилоти томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, солик солинадиган база қўшилган қиймат солиги суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулки олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда, солик солинадиган база белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

**Солик кодекси 200-моддасининг иккинчи қисмига** \*\*\*\* мувофиқ реализация қилишда солик солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа ҳужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солик солинадиган база қўшилган қиймат солиги суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш баҳоси ва уларни олиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

**Солик кодекси 219-моддасининг 5 ва 6-бандларига** \*\*\*\* мувофиқ қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисобга олиш назарда тутилмаган мол-мулк реализация қилинган тақдирда (мазкур мол-мулк қўшилган қиймат солиги билан олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъи назар), солик солинадиган база қўшилган қиймат солиги суммасини ўз ичига оладиган, уни реализация қилиш (чиқиб кетиш) қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Воситачилик, топшириқ шартномасига биноан комитетент ёки топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкини гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга оловчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиқсан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган обьектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдик) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

Кейинчалик реализация қилиш учун юридик шахслар томонидан давлат резервидан олинган, нархлари давлат томонидан тартибга солиниши белгиланган товарлар бўйича солиқ солинадиган база реализация қилиш нархи ва давлат резервидан олинган нарх ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғи ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ киритилмаган ҳолда аниқланади.

### **Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган база**

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги [қонун ҳужжатларига](#) мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киради.

### 3. Ҳисобварак-фактурани расмийлаштириш тартиби

Ҳисобварак-фактура қатъий ҳисбот ҳужжати бўлиб, унда қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- 1) ҳисобварак-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;
- 2) ҳисобварак-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартноманинг рақами ва санаси;
- 3) солик тўловчининг ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда идентификация рақами;
- 4) реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг номи ва ўлчов бирликлари (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса);
- 5) ўлчов бирлигидан (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса) келиб чиқкан ҳолда реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг ҳисобварак-фактура бўйича сони (ҳажми);
- 6) шартнома (контракт) бўйича қўшилган қиймат солифини ҳисобга олмаган ҳолда, қўшилган қиймат солифини ўз ичиға оладиган давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) қўлланилган тақдирда эса, солик суммасини ҳисобга олган ҳолда ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);
- 7) реализация қилинаётган товарлар, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) қўшилган қиймат солифисиз қиймати;
- 8) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солифининг ставкаси ва суммаси;
- 9) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олувчисига тақдим этилаётган қўшилган қиймат солифи ставкаси ва суммаси;
- 10) бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик ставкаси ва суммаси;
- 11) реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солифи, қўшилган қиймат солифи ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик ҳисобга олинган қиймати.

Ҳисобварак-фактура қоғоздаги шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида тузилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солифи солинадиган оборотни ва қўшилган қиймат солифидан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек қўшилган қиймат солифи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга ҳисобварак-фактура тақдим этишлари шарт, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- 1) йўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштириш;
- 2) товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш;
- 3) товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш;

4) қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилдиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топшириш, Солик кодексига 204-моддасининг саккизинчи қисмига \*\*\*\*\* мувофиқ қўшилган қиймат солигини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли хужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; ҳисобварак; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳам ҳисобварак-фактура ёзилмайди;

5) банк операцияларини мижознинг шахсий ҳисобварагидан кўчирма бериш орқали расмийлаштириш;

6) суғурта хизматларини топшириқ шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш;

7) Солик кодекси 222-моддасининг биринчи қисмида \*\*\*\*\* кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ишларни (хизматларни) ҳақиқатда мазкур ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи хужжатлар билан расмийлаштириш.

Юқорида кўрсатилган хужжатлар ҳисобварак-фактура ўрнини босадиган хужжатлардир. Бунда қўшилган қиймат солиги солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилиган тақдирда, ушбу хужжатларда қўшилган қиймат солиги суммаси албатта ажратиб кўрсатилиши керак.

Келгусида товарларни етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун олдиндан тўланган ҳақ (бўнак) ёзилган ҳисобварак ҳисобварак-фактура бўлмайди.

Қўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлмаган, шунингдек қўшилган қиймат солиги тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар ҳисобварак-фактурада қўшилган қиймат солиги суммасини кўрсатмайдилар ҳамда «қўшилган қиймат солигисиз» деган штамп босади (ёзиб қўяди).

Қўшилган қиймат солиги тўловчи учун ҳисобварак-фактура қўшилган қиймат солигини Солик кодексининг 218-моддасига \*\*\*\*\* мувофиқ ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Агар Солик кодекси 222-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган \*\*\*\*\* бўлса, ҳисобварак-фактура товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш обороти амалга оширилган санада ёзилади.

Қўшилган қиймат солиги солинадиган электр энергияси, сув, газ, алоқа хизматлари, коммунал хизматлар, темир йўлда ташишлар, транспорт-экспедиторлик хизмати, банк операциялари, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) узлуксиз етказиб беришни амалга ошираётган солик тўловчилар ойнинг охирги кунида бир марта ҳисобварак-фактура ёзади.

Ҳисобварак-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ва қўшилган қиймат солиги суммаси миллий валютада кўрсатилади.

Тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар ҳисобварак-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айни бир вақтда уни

хисобварак-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодалайди.

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи солик солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритган тақдирда, мазкур товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланадиган кўшимча ҳисобварак-фактура тузилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи кўшимча ҳисобварак-фактурада қуйидаги маълумотларни кўрсатиши керак:

1) кўшимча ҳисобварак-фактуранинг рақами ва тузилган санаси;

2) ҳисобварак-фактурани тўлдиришда зарур бўлган, Солик кодекси 222-моддасининг **биринчи қисмида назарда** \*\*\*\*\* тутилган реквизитлар;

3) тузатиш киритилаётган ҳисобварак-фактуранинг рақами ва санаси;.

4) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда солик солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий);

5) қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий).

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ўзлари олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактураларнинг, шунингдек реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тақдим этилган ҳисобварак-фактураларнинг реестрини юритиши шарт. Бунда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар реестрига фақат қўшилган қиймат солиғи ажратиб кўрсатилган ҳисобварак-фактуралар киритилади.

### СЧЁТ-ФАКТУРА

№ 9-00415  
от 30 сентября 2022  
к договорам № 17/18  
от 05 января 2022



Поставщик: СП ООО "Nobel Pharm"  
Адрес: 100050, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani,  
Qorasuvbuyi ko'chasi 5A uy

Покупатель: FALIMINT FARM МЧК

Адрес: Qashqadaryo viloyati, Qarshi sh.. S.Ayniy ko'chasi, 2B-uy

Идентификационный номер поставщика (ИНН): 205179384

Идентификационный номер покупателя (ИНН): 305090771

Регистрационный код плательщика НДС: 326020011534 (сертификат активный)

Регистрационный код покупателя НДС: 310010087870 (сертификат активный)

Расчётный счёт: 202080008004344919001

Расчётный счёт: 20208000800830422001

МФО банка: 01028

МФО банка: 00854

Коэффициент разрыва при уплате НДС (по всей цепочке): 0,00

Коэффициент разрыва при уплате НДС (по всей цепочке): 0,00

№	Примечание к товару (работе, услуге)	Идентификационный код и название по Единому электронному национальному каталогу товаров (услуг)	Серия	Единица измерения	Стоимость приобретения (базовая цена)	Торговая наценка (в процентах)	Количество	Цена	НДС		Стоимость поставки с учётом НДС	
									ставка	сумма		
x	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Префикс® 500, таблетки п/о № 14 (AFY00028.)	03004884022002003 - J01DA441 ПРЕФИКС® (Nobel Iac: Sanayii Ve Ticaret) Таблетки покрытые оболочкой 500 мг блистеры №14(2x7)	AFY00028.	упаковка	67 360,07	5,0000	5,0000	70 728,00	353 640,00		Без НДС	353 640,00
2	Префикс® порошок 30 г для приготовления суспензии 60 мл (AY90004A.)	03004884022002002 - J01DA441 ПРЕФИКС® (Nobel Iac: Sanayii Ve Ticaret) Порошок для приготовления суспензии для приема внутрь 250 мг/5 мл 60мл флаконы	AY90004A.	упаковка	44 398,88	5,0000	2,0000	46 619,00	93 238,00		Без НДС	93 238,00
3	Тайлолфен Хот® порошок для приготовления раствора для приема внутрь, 20 г №12 (BFCE038A)	03004452002279001 - Параситамол в комбинации с другими препаратами - №02be51 ТАЙЛОЛФЕН ХОТ® (Nobel Iac: Sanayii Ve Ticaret) Порошок для приготовления раствора для приема внутрь 20г саше №12(12x1)	BFCE038A	упаковка	50 168,69	5,0000	23,0000	52 677,00	1 211 571,00		Без НДС	1 211 571,00
									Итого:	1 658 449,00	x	x 1 658 449,00
Всего к оплате: Без оплаты												

Руководитель: Alfyorova A. A.

Главный бухгалтер: Beglova G. R.

Товар отпустил: Miraxmetov Farrux Mirhamitovich

Руководитель: ЖУРАЕВ ФУРКАТ ИСМОИЛ УГЛИ

Главный бухгалтер: НЕ ПРЕДУСМОТРЕН

№2009149189 30.09.2022 11:31:34

ОТПРАВЛЕНО

АЛФЕРОВА АЛЛА АЛЕКСАНДРОВНА

оператор: didok.uz

№2008080357 08.10.2022 10:31:20

ПОДТВЕРЖДЕН

JO'RAYEV FURQAT ISMOIL O'G'LII

Ҳисобварап-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварап-фактуралар реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

## **ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА: РАСМИЙЛАШТИРИШ, ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

**Вазирлар Махкамасининг 14.08.2020 йилдаги “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 489-сон қарори билан:**

- Ҳисобварап-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (кейинги ўринларда – Низом) тасдиқланди.

Ҳисобварап-фактура - Солиқ кодексига мувофиқ уни тақдим этиш мажбуриятига эга бўлган товарларни (хизматларни) сотувчи (етказиб берувчи) томонидан расмийлаштириладиган қатъий белгиланган намунаидаги (форматдаги), товарлар ҳақиқатда жўнатилганлигини ёки хизматлар кўрсатилганлигини ва уларнинг қийматини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ҳисобварап-фактура сотувчи (етказиб берувчи) томонидан тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи суммасини харидор (буортмачи) ҳисобга олиши учун асос бўладиган бирламчи ҳужжат ҳисобланади. У қўшилган қиймат солиғи (КҚС) бўйича солиқ солиш айланмаси ва реализацияни ҳисобга олиш учун юритилади.

Товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган норезидент юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварап-фактурани тақдим этиши шарт.

Низомда ҳисобварап-фактура тақдим этилиши шарт бўлмаган ҳоллар келтирилган ва уларни узоқ муддатли шартномалар бўйича расмийлаштириш тартиби кўрсатилган.

Ҳисобварап-фактура, агар ушбу Низомда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, товарлар жўнатилган (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиб тақдим этилади.

Ҳисобварап-фактурада товарларнинг (хизматларнинг) қиймати миллий валютада, сўмда кўрсатилади. Бунда, сумма кўрсатилаётганда бутун сондан сўнг юздан биргача яхлитланиши лозим бўлади.

Агар ушбу Низомда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳисобварап-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилади ва уларнинг сақланиши ҳамда ҳисоби юритилиши электрон ахборот тизимида амалга оширилади.

Товарларни (хизматларни) сотиб олувчи фақат электрон шаклда қабул қилинган ҳисобварап-фактураларда акс эттирилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Солиқ түловчилар томонидан давлат сирига тааллукли бўлган хўжалик операциялари амалга оширилганда қоғоз шаклда ҳисобварак-фактура расмийлаштирилади. Улар бундай шаклда расмийлаштирилса камида икки нусхада тузилади ва улардан бири товарларни (хизматларни) сотиб олувчига тақдим этилади.

Шунингдек, Низомда товарлар (хизматлар) реализациясида ҳисобварак-фактураларни тўлдириш тартиби ҳам келтирилган.

Хужжат:

- дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилишда ҳисобварак-фактураларни тўлдириш хусусиятларини;
- воситачилиқ, топшириқ ва транспорт экспедицияси шартномалари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳисобварак-фактураларни тўлдиришнинг ўзига хос хусусиятларини;
- қўшимча ва тузатилган ҳисобварак-фактураларни расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини;
- айрим шартномалар бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишда ҳамда чегирмаларни тақдим этишда ҳисобварак-фактураларни расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини;
- электрон ҳисобварак-фактураларни қабул қилиш ва жўнатишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

*Хужжат Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 15.08.2020 йилдан кучга кирди.*

*Подробнее: [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/hisobvaraq-fakturna\\_rasmiylashtirish\\_taqidim\\_etish\\_va\\_qabul\\_qilish](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/hisobvaraq-fakturna_rasmiylashtirish_taqidim_etish_va_qabul_qilish)*

4. Кўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархдан паст қийматда сотилган ҳолатлар бўйича ҚҚС солинадиган базани аниқлашни қуидаги мисолда кўриб чиқамиз.

**Мисол.** Корхона таннархи 900,0 минг сўм бўлган (ҚҚСиз) маҳсулотни шартнома асосида 960,0 минг сўмга реализация қилди, шу жумладан ҚҚС суммаси 160,0 минг сўм (солиқ солинадиган база 800 минг сўмга тенг (960,0 - 160,0)). Бу ерда реализация қилиш қиймати таннархдан паст.

Бу ерда маҳсулот таннархи (900,0 минг сўм) ҚҚС базаси ҳисобланади. Чунки маҳсулот таннархидан паст баҳода сотилса, солиқ солиши базаси таннарх ҳисобланади. Тегиши равишда, ҚҚС суммаси 180,0 минг сўмни (900,0 x 20 %) ташкил қиласди.

20,0 минг сўмлик (180,0 - 160,0) ҚҚС бўйича фарқ корхонанинг ўз ҳисобидан қопланади. Молиявий ҳисоботда у Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишилаб

чиқариши ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисида низомнинг 2.3.14-банди бўйича харажат сифатида акс эттирилади. Солиқ солиши мақсадида мазкур сумма СКнинг 145-моддаси 21-бандига асосан чегириладиган харажат деб эътироф этилади. Ҳисобварақ-фактурада қуийидагилар кўрсатилади: тўлов учун сумма – 960,0 минг сўм ва ҚҚС суммаси – 160,0 минг сўм; 20,0 минг сўм ҚҚС ҳисоб-китобига қўшилади (ҚҚС ҳисоб-китоби 40-сатри, Ҳисоб-китобга 4-сон илованинг 0103-сатри 4-устуни).

Бухгалтерия ёзувлари қуийидагича бўлади:

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счёtplar корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
- 4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;
- 5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;
- 6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар;

**Солиқ солинадиган база қўйидагилар учун ҳам камайтирилади:**

- 1) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиқсан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган микдорига;
- 2) брокерлик ташкилотлари учун — битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йигими суммасига;
- 3) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

4) туристик фаолият субъектлари учун — туристик хизматларни онлайн-бронлаштириш ва сотиш бўйича дастурий маҳсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига.

**Аниқланган солиқ солинадиган база (юқоридаги чегирмалар ҳисобга олинган ҳолда) қўйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:**

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичидаги амалга оширилади;

ёш оиласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

**Ягона солиқ тўлови** солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

**Кўшилган қиймат солиғи тўловчилар** учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган кўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг **50** фоизидан **кўп бўлмаган миқдорга** камайтирилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454-сонли Қарорига мувофиқ **2018** йилда ягона солиқ тўлови ставкалари қуйидаги 1-3 жадвалларда келтирилган:**

#### **1-жадвал**

#### **Микро фирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови СТАВКАЛАРИ**

<i>№</i>	<i>Тўловчилар</i>	<i>Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари юридик шахслари, 2-7-бандларда назарда тутилганларидан ташқари	5*
2	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	5

3	Ломбардлар	30
4	Концерт-томуша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган юридик шахслар	30
5	Брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилиқ, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар	33**
6	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар	13**
7	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган юридик шахслар (ижрага беришдан олинган даромадлар 60%дан кўпни ташкил этади)	30

**Изоҳлар:**

- \* ) Мол-мулкини молиявий ижара (лизинг)га берадиган юридик шахслар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.
- \*\*) Ҳақ суммаси (ялпи даромад).

**2-жадвал**

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг  
СТАВКАЛАРИ**

<b>№</b>	<b>Тўловчилар</b>	<b>Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</b>
1	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	улардан:	

	умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтинослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2	Чакана савдо корхоналари, 3 ва 4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари:	
2.1	жойлашган жойига қараб:  аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда  бошқа аҳоли пунктларида	4  2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
2.2	жойлашган жойидан қатъи назар:	
	алкоголли маҳсулот, тамаки маҳсулоти, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ реализациясидан товар обороти бўйича	4
3	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
4	Куйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:  аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда  бошқа аҳоли пунктларида	3  2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
5	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб оловчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари	4

*Изоҳ: Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона*

*солиқ тұловининг турли ставкалари белгиланған бир нечта савдо шохобчаларига әзәр бүлсалар, улар ҳар бир савдо шохобчаси бүйича товар оборотининг алохидада алохидада ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур ақоли пунктлари учун белгиланған ставкаларда ягона солиқ тұловини тұлашлари лозим.*

**3-жадвал**

**Айрим тоифадаги корхоналар учун ягона солиқ тұлови  
СТАВКАСИ**

<b>Tұловчилар</b>	<b>Солиқ ставкасы, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</b>
Лотереялар ташкил этиш бүйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар (мазкур фаолият тури доирасыда)	33

**Ягона солиқ тұловининг ҳисоб-китоби** солиқ бүйича ҳисобға олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бүйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилдиган муддатда тақдим этилади.

**Ягона солиқ тұлови құйидаги тұланади:**

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тұловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бүйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

**Ягона ер солиғини тұловчилар құйидагилардир:**

қишлоқ хұжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

қишлоқ хұжалиги йұналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хұжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хұжаликлари.

**Құйидагилар ягона ер солиғини тұловчилар сифатида қаралмайды:**

үрмон ва овчилік хұжаликлари;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилған дәхқон хұжаликлари.

**Ягона ер солиғида** қонун хужжатларига мувофиқ қишлоқ хұжалигини юритиш учун әгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилған ер участкаси **солиқ солиши объектидир**.

**Ягона ер солиғида** солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун хужжатларига мувофиқ **белгиланған норматив қиймати солиқ солинадиган базадир**.

**Ягона ер солиғи суммаси** ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқсан холда ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454-сонли Қарорига мувофиқ 2018 йилда ягона ер солиғи 4-жадвалда келтирилган:

#### 4-жадвал

#### Ягона ер солиғи СТАВКАСИ

<i>Tўловчилар</i>	<i>Ставка норматив қийматга нисбатан фоизларда</i>
Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари	0,95

#### *Изоҳ:*

Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг “Ўздаверлойиҳа” Ўзбекистон давлат илмий-лойиҳа институти томонидан белгиланади.

**Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби** ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисбот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

**Ягона ер солиғини тўлаш қўйидаги муддатларда амалга оширилади:**  
ҳисбот йилининг 1 сентябригача — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;  
ҳисбот йилининг 1 декабригача — солиқнинг қолган суммаси.

#### **Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар қўйидагилардир:**

фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиқсан холда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган

холда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркорлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454-сонли Қарорига мувофиқ 2018 йилда қатъий белгиланган солиқ ставкалари 5-жадвалда келтирилган:

#### 5-жадвал

### **Юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ СТАВКАЛАРИ**

N	<i><b>Фаолият тури</b></i>	<i><b>Тўлов-чилар</b></i>	<i><b>Мазкур фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичла р</b></i>	<i><b>Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (бирлик учун энг кам иш ҳақига каррали миқдорларда)</b></i>			
				<i><b>Тошке нм ш.</b></i>	<i><b>Нукус и., вилоят бўйсунуви даги шахарлар</b></i>	<i><b>бошқа шахар лар</b></i>	<i><b>бошқа аҳоли пунктл ари</b></i>
1	Автотранспорт воситаларини вақтинча саклаш, дехқон (озик-овқат) бозорларининг автотўхташ жойларида автотранспорт воситаларини вақтинча саклашдан ташқари	юридик шахслар	Эгаллаган майдон (1 кв.метр)	0,1	0,06	0,05	0,04
2	Болалар ўйин автоматлари	юридик ва жисмон ий шахслар	Жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)	3,0	2,0	1,5	1,0

## **Изоҳлар:**

1. Қатъий белгиланган солиқ ставкалари йил бошида - 2018 йил 1 январда белгиланган энг кам иш ҳақи (172 240 сўм) миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.
2. Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган тақдирда бундай ҳолатларга солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида қаралади.
2. Ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

### **Ягона солиқ тўлови ва ихтиёрий ҚҚС.**

Солиқ кодексининг 354-моддасига мувофиқ, агар ягона солиқ тўловини тўловчилар Солиқ кодексининг 199-моддасига мувофиқ \*\*\*\* қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширса, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин.

Юридик шахслар ҚҚСни тўлашга ўтиш учун ҳисбот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Бунда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш Солиқ кодексининг VII бўлимида \*\*\*\* белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 360-моддасида \*\*\*\*\* белгиланганидек, ҚҚСни тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтириши мумкин.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси солиқ солинадиган оборотга қўшиб ҳисобланган ҚҚС суммаси билан ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади. Бунда ҚҚС солиқ солинадиган оборотга II чоракдан бошлаб ҳисобланади. Ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган ҚҚС суммаси эса ҚҚСни ихтиёрий асосда тўлашга ўтиш санасида ҳисобда турган товар-моддий бойликлар қолдиқлари ҳамда қолган солиқ даври учун ҚҚСни ихтиёрий асосда тўлашга ўтиш санасидан бошлаб келиб тушаётган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича аниқланади.

ЯСТ суммасини ҚҚС суммасига камайтириш II чоракдан бошлаб амалга оширилади.

### **Мисол.**

Ишлаб чиқариш корхонаси томонидан I чоракда 100,0 миллион сўмлик, II чоракда 200,0 миллион сўмлик (ҚҚСсиз), III чоракда 250,0 миллион сўмлик (ҚҚСсиз), IV чоракда 150,0 миллион сўмлик (ҚҚСсиз), жами солиқ даврида – 700,0 миллион сўмлик (ҚҚСсиз) маҳсулот сотилди.

Корхона ҳисобида II чорак бошига 28,0 миллион сўмлик хом ашё бўлган, ундан 24,0 миллион сўмлик хом ашё ҚҚС билан сотиб олинган. Улардан 4,0

миллион сўм ҚҚС суммасини ажратиш лозим ( $24,0 / 120\% \times 20\%$ ). II чоракдан IV чораккача бўлган даврда корхона 350,0 миллион сўмлик товар, иш, хизматларни сотиб олди. Улар бўйича ҚҚС суммаси 70,0 миллион сўмни ташкил этди.

Шундай қилиб, II чоракдан бошлаб солиқ даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 46,0 миллион сўмни ташкил этади:

120,0 миллион сўм ( $600,0$  миллион сўм ( $200 + 250 + 150$ ) бу II, III, IV чораклар учун сотиш бўйича оборот  $\times 20\%$ ) минус 74,0 миллион сўм (товар-моддий бойликлар ( $4,0$  миллион сўм) ҳамда сотиб олинган товарлар, ишлар ва хизматлар ( $70,0$  миллион сўм) бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган ҚҚС суммаси =  $46,0$  миллион сўм.

I чорак учун ЯСТнинг ҳисобланган суммаси  $5,0$  миллион сўмни ( $100,0$  миллион сўм  $\times 5\%$ ), II чоракдан IV чораккача –  $30,0$  миллион сўмни ( $600,0$  миллион сўм  $\times 5\%$ ) ташкил этади. Корхона ЯСТ суммасини ҚҚС суммасига, лекин ЯСТ суммасининг  $50$  фоизидан кўп бўлмаган миқдорга, яъни  $15,0$  миллион сўмга ( $30,0$  миллион сўм  $\times 50$  фоиз) камайтириши мумкин.

Шундай қилиб, корхона ҳисобот йили учун бюджетга:  
ҚҚС –  $46,0$  миллион сўм;  
ЯСТ –  $20,0$  миллион сўм (I чорак учун –  $5,0$  миллион сўм, II-IV чораклар учун –  $15,0$  миллион сўм) тўлайди.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш

Хисобот даври		Ишлаб чиқариш, 5 % ставка	Чакана савдо, 4 % ставка	Умумовқатла ниш фаолияти, 10 % ставка	Бошқа даромадлар	Ялпи тушум	Жами ЯСТ
1-чорак	1-чорак	<b>100 000 000,0</b>	80 000 000,0	90 000 000,0	<b>2 000 000,0</b>	272 000 000,0	x
<b>Хисобот даврига ЯСТ суммаси (бошқа даромадлар 5 % ставкада)</b>		<b>5 000 000,0</b>	<b>3 200 000,0</b>	<b>9 000 000,0</b>	<b>100 000,0</b>	x	<b>17 300 000,0</b>
<i>Хисобот даврига тўланадиган ЯСТ суммаси (17 300 000)</i>							<b>17 300 000,0</b>
1-ярим йиллик	2-чорак	160 000 000,0	<b>170 000 000,0</b>	150 000 000,0	<b>4 000 000,0</b>	484 000 000,0	x
<b>Хисобот даврига ЯСТ суммаси (бошқа даромадлар 4 % ставкада)</b>		<b>8 000 000,0</b>	<b>6 800 000,0</b>	<b>15 000 000,0</b>	<b>160 000,0</b>	x	<b>29 960 000,0</b>
<i>Хисобот даврига тўланадиган ЯСТ суммаси (29 960 000 - 17 300 000)</i>							<b>12 660 000,0</b>
9 ойлик	3-чорак	220 000 000,0	215 000 000,0	230 000 000,0	<b>6 000 000,0</b>	671 000 000,0	x
<b>Хисобот даврига ЯСТ суммаси (бошқа даромадлар 10 % ставкада)</b>		<b>11 000 000,0</b>	<b>8 600 000,0</b>	<b>23 000 000,0</b>	<b>600 000,0</b>	x	<b>43 200 000,0</b>
<i>Хисобот даврига тўланадиган ЯСТ суммаси (43 200 000 - 29 960 000)</i>							<b>13 240 000,0</b>
Йиллик	4-чорак	<b>300 000 000,0</b>	285 000 000,0	290 000 000,0	<b>8 000 000,0</b>	883 000 000,0	x
<b>Хисобот даврига ЯСТ суммаси (бошқа даромадлар 5 % ставкада)</b>		<b>15 000 000,0</b>	<b>11 400 000,0</b>	<b>29 000 000,0</b>	<b>400 000,0</b>	x	<b>55 800 000,0</b>
<i>Хисобот даврига тўланадиган ЯСТ суммаси (55 800 000 - 43 200 000)</i>							<b>12 600 000,0</b>

Ягона солик тўловини бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби.

Операция мазмуни	Счёты корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
1-чорак учун ягона солик тўлови хисобланди	9430	6410	17300000
1-чорак учун ягона солик тўлови тўланди	6410	5110	17300000
2-чорак учун ягона солик тўлови хисобланди	9430	6410	12660000
2-чорак учун ягона солик тўлови тўланди	6410	5110	12660000
3-чорак учун ягона солик тўлови хисобланди	9430	6410	?
3-чорак учун ягона солик тўлови тўланди	6410	5110	?
4-чорак учун ягона солик тўлови хисобланди	9430	6410	?

4-чорак учун ягона солиқ тўлови тўланди	6410	5110	?
---	------	------	---

7-mavzu. Budjetdan tashqari maqsadli jamg‘armalarga majburiy to‘lov va ajratmalar hisobi

**Yagona ijtimoiy to‘lov bo‘yicha hisobotlar tizimi. Yagona ijtimoiy to‘lovnii hisoblash bazasi va to‘lovlar miqdorini aniqlash.**

**Yagona ijtimoiy to‘lov va mehnatga haq to‘lash fondini hisoblash tariblari. Pensiya to‘lovi bo‘yicha xarajatlarni qoplash hisob-kitoblari. Yuridik shaxslar tomonidan davlat ijtimoiy sug‘urtasi xarajatlari bo‘yicha to‘lovlarning pensiya jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan amalga oshirilishi.**

Ayrim toifadagi jismoniy shaxslar uchun yagona ijtimoiy to‘lovnii hisoblab chiqarish va to‘lashni hisobga olish. Avtotransport yig‘imlarini hisobga olish. Majburiy to‘lovlarни hisoblash va birxillashtirilgan soliq hisobotlarni taqdim etish tartibi.

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар ва уларнинг тўловчилари.
2. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва уларни тўловчилар.
3. Бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

**Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (БТПЖ)ни шакллантиришнинг хукуқий асослари:**

Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (БТПЖ) - қонун хужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлайди.

Даставвал, ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда ижтимоий суғурта маблағларининг тўғри ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Собиқ ССРР Пенсия фондининг Ўзбекистон Республика бўлими негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ги 391-сонли Қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарманинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланди:

-фуқароларнинг давлат томонидан белгиланган ижтимоий суғурта хукуқларини тўла ҳажмда рўёбга чиқариш;

-ижтимоий суғурта бўйича пенсия ва нафақаларнинг кафолатли ва ўз вақтида тўланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш;

-халқаро алоқаларни амалга ошириш, давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

-пенсияларни, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, дафн этишга бериладиган нафақаларни тўлаш ва давлат ижтимоий суғуртасининг бошқа мақсадлардаги харажатларини маблағ билан таъминлаш;

-ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принциплари асосида Жамғарма маблағларини кўпайтиришни ташкил этиш.

Ижтимоий суғурта жамғармасини шакллантириш манбалари этиб қуидагилар белгиланади:

-корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ширкатларнинг, идоравий қарашлилигидан ва мулкчилик шаклидаи қатъи назар, белгиланган меъёрлар бўйича иш ҳақи фондига нисбатан фоизларда тўланадиган, зарурият туғилганда давлат бюджети маблағларидан тўлдириладиган суғурта бадаллари;

-якка таргибда меҳнат фаолияти билан, шу жумладан, якка (жамоа) ижара шартларида ёки шахсий дехқон хўжалигига шуғулланаётган шахсларнинг суғурта бадаллари.

-фуқаролариинг мажбурий суғурта бадаллари;

-Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, корхоналар ва жамоат ташкилотлари, уларнинг тижорат фаолиятидан олинган даромадларини ҳам қўшганда бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти учун мажбурий бадалларнинг тўлиқ келиб тушиши ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсия ва нафақаларни тўлашга харажатларни ўз вақтида молиявий таъминлаш учун ижтимоий таъминот органларининг маъсулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 459-сон Қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди. Мазкур қарорнинг ишлаб чиқилиши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги 391-сонли қарори ўз кучини йўқотди.

Ушбу қарорнинг ишлаб чиқилишига мустақил Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кексайланда, меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминлашдан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни нафақалар билан таъминлашдан, болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақаларни, дафн маросими нафақаларини, корхона тугатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касалликларига учраган ёки соғлиғига бирор бошқа шикаст етказилган ходимга заарни қоплаш учун тўланадиган тўловларни, 16 ёшгача

бўлган ногирон боланинг ота-онасига қўшимча таътил учун тўлов кабиларни нафақалар билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш зарурияти сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли қарорини бажарилиши юзасидан «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармаси тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди.

Низомда жамғарма аҳолини давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни амалга ошириш учун зарур молиявий базани яратиш мақсадида ташкил этилганлиги, уни ижтимоий таъминот вазирлиги тизимиға киришлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиши, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва молия вазирлигига ҳисобот бериши, жамғарма маблағлари, уларни шакллантириш ва сарфлашнинг мақсадли йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетига киритилиши, Пенсия жамғармасининг вазифалари ва функциялари, бурчлари ва хукуклари, жамғарма бюджети, жамғарманинг бошқарув органлари ва бошқа масалалар аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 444-сонли Қарорига асосан 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.

Мазкур қарорга асосан 2001 йил 1 январдан бошлаб Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига маблағлар тўплаш ва маблағларнинг тўлиқ тушиши устидан назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига юклатилди ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар давлат соликлари ва йиғимларига тенглаштирилди. Бу қарорнинг амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли Қарори ўз кучини йўқотди.

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли ва аниқ сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини самарали бошқаришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 490-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди. Ушбу қарорнинг амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 459-сонли қарори ўз кучини йўқотди.

Ушбу қарор билан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар микдори ҳамда уларни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши таъкидланди ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бадаллар ва тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилди, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари Ўзбекистон Республикасининг йиғма бюджети таркибида киритилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган мақсадлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-4161-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1252-сон Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси сифатида ташкил этилди. Бунга мувофиқ 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 30-сонли Қарорига мувофиқ Пенсия жамғармасининг Низоми тасдиқланган бўлиб, бу Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловларини ва бошқа тўловларни тайинлашни, молиялаштиришни, ҳисобга олишни ва уларнинг тўланиши мониторингини олиб боришни, ушбу мақсадларга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлашни, шунингдек тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этишни амалга ошириш бўйича асосий вазифалари, функциялари ва ваколатлари белгилаб берилди.

Ҳозирги кунда, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар ва бадалларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XV-бўлими асосида амалга оширилмоқда.

**2. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (БТПЖ) га тўловлар қуидагилардан иборат:

- ❖ ягона ижтимоий тўлов;
- ❖ фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуидагилардир:

- юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

1-жадвал.

**Ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 2013-2018 йиллар давомидаги динамикаси<sup>6</sup>. \*\*\*\*\* 2022 йилни ҳам киритиш керак**

Солиқсолинадиган база	Ставка, %да					
	2013	2014	2015	2016	2017	2018
<b>Мехнатга ҳақ тўлаш фонди</b>	25	25	25	25	25	25
<b>Микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари</b>			15	15	15	15
Шу жумаладан,						
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	24,8	24,8	24,8 14,8	24,8 14,8	24,8 14,8	24,8 14,8
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
<b>Ногиронларнинг мехнатга ҳақ тўлаш фонди</b>	4.7	4.7	4.7	4.7	4.7	4.7

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини (бундан буён матнда сугурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

Сугурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан Солиқ кодексининг 311-моддасида \*\*\*\*\* назарда тутилган тартибга мувофиқ сугурта бадаллари тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехкон хўжаликлари аъзолари мустасно.

<sup>6</sup>Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1887, ПҚ-2099, ПҚ-2270, ПҚ-2455, ПҚ-2699, ПҚ-3454-сонли Қарорларига мувофиқ тайёрланган

Солиқ кодексида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объекти ҳисобланади.

### **Ижтимоий солиқ бўйича имтиёзли ставка қўлланиш тартиби**

ПФ-25-сон 23.11.2021 й. 1-банди а)кичикбанди: 2022 йил 1 январдан: а) 2031 йил 1 январгача Қорақалпогистон

Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидағи тадбиркорлик субъектлари учун: фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ўрнатилган солиқ ставкаларини 1 фоиз этиб белгилаш; мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдалангандик учун солиқ ставкаларини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган суммадан 1 фоиз микдорида белгилаш;

ПФ-4720 24.04.2015 й. 10-банди 2-хатбоши. Акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан.

102391 - ПФ-5099 30.06.2017 й 5-банд 2-хатбоши Инновация маркази 2028 йил 1 январгача барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилган.

103846 - ПФ-5052 24.05.2017 й. 6-банд 2-хатбоши. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг биринчи марта ишга жойлашган битирувчилари иш ҳақидан олинган даромадларидан ягона ижтимоий тўловнинг ўрнатилган ставкасини, таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаганлик шарти билан, уларни ишга жойлашганларидан кейинги бир йил ичида 50 фоизга, иккинчи ва учинчи йил давомида 25 фоизга, бюджет ташкилотлари, монополист ташкилотлар, устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларга ишга жойлашганлар бундан мустасно бўлган ҳолда, камайтириш;

103867 - "ПФ-5781 13.08.2019 й. 9-банд, а) 2023 йил 1 январга қадар қўйидагилар:б) юридик шахслар, уларнинг лойиҳа ташкилотлари, бош пурдатчи ва субпурдатчи ташкилотлари жаҳон стандартларига мос ва зарур маданий кўнгилочар инфратузилмаларига эга гольф мажмуаларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида:фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан;лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўловдан;лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан «вактинча олиб кириш» божхона режимида олиб киришда божхона божи ва акциз солиғидан;"

103990 - ПФ-87 07.03.2022 й. 9 -банди 7-хатбоши Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар Реестрга киритилган худудлардаги умумий ходимлари сони камида 10 нафар бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган кичик тадбиркорлик субъектларига: уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига ижтимоий солиқ 1 фоизлик ставкада ҳисобланади;

103946 - ПФ-53 21.01.2022 й. 2-банди, г-кичикбанди, 2-хатбоши 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача: бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини, шу жумладан комиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспорт қилган корхоналарга ижтимоий солиқни 1 фоиз микдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш;

104095 - ПФ-213 31.08.2022 й. 2-банди а-кичикбанди 2-хатбоши Қорақалпогистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ва шу худудда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари учун 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда: ижтимоий солиқ камайтирилиб, 1 фоиз микдоридаги солиқ ставкасида;

---

102223 - ПФ-3154 24.10.2002 й. 5-банди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиқка тортиш базасидан чиқарилади.

---

102274 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилсин.

---

102266 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилсин.

---

102267 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилсин.

---

102224 - ПФ-3594 11.04.2005 й. 1-банди. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

---

102293 - ПФ-4436 13.04.2012 й. 5-банди 2-хатбоши. Ангрен маҳсус индустрисал зонаси қатнашчилари, киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови тўлашдан.

---

102314 - ПФ-4786 28.03.2016 й. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида олинган Жамғарма даромадлари солиқларга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўловларига тортилмайди.

---

102220 - ПФ-3154 24.10.2002 й. 5-банди. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъяян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигимларни тўлашдан озод қилинади.

---

102221 - ПФ-3154 24.10.2002 й. 5-банди. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъяян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигимларни тўлашдан озод қилинади.

---

102333 - ПФ-4931 12.01.2017 й. 8-банди. “Ургут” ЭИЗ, “Гиждувон” ЭИЗ, “Қўқон” ЭИЗ ва “Ҳазорасп” ЭИЗ дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

---

102485 - ПФ-5517 20.08.2018 й 4-банд 2-хатбоши Эркин иқтисодий зона Наманган қатнашчилари ер солиғи, мулк солиғи, фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва республика йўл жамғармасига ажратмалар, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига

---

102229 - ПФ-3709 09.01.2006 й. 5-банди. а) угатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан - 5 йил муддатга озод қилинсин.

---

102230 - ПФ-3709 09.01.2006 й. 5-банди. б) янги ташкил этиладиган агросаноат фирмалари фойда солиғи тўлашдан, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан - 5 йил муддатга озод қилинсин.

---

102216 - ПФ-3154 24.10.2002 й. 5-банди. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъяян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигимларни тўлашдан озод қилинади.

---

102219 - ПФ-3154 24.10.2002 й. 5-банди. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъяян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича

---

барча турдаги солиқларни ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигимларни тўлашдан озод килинади.

---

102268 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилсин.

---

102269 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилсин.

---

102278 - ПФ-4059 02.12.2008 й. 3-банди. Навоий эркин индустрисал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

---

102294 - ПФ-4436 13.04.2012 й. 5-банди 2-хатбоши. Ангрен маҳсус индустрисал зонаси қатнашчилари, киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови тўлашдан.

---

102270 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилсин.

---

102254 - ПФ-3923 19.09.2007 й. 7-банди. 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 2018 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган

---

маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин.

---

102283 - ПФ-4434 10.04.2012 й. 2-банди. Белгилаб кўйилсинки, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигига ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

---

102482 - ПФ-5517 20.08.2018 й 4-банд 2-хатбоши Эркин иқтисодий зона Наманган қатнашчилари ер солиғи, мулк солиғи, фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва республика йўл жамғармасига ажратмалар, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига

---

102489 - ПФ-5540 18.09.2018 й 4-банд ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микро фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан

---

102490 - ПФ-5540 18.09.2018 й 4-банд ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микро фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан

---

102480 - ПФ-5412 12.04.2018 й 10-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3-, 4- ва 5-бандлари қоидалари "Сирдарё" ЭИЗ иштирокчиларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Фиждувон", "Кўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-

---

4931-сонли Фарменинг 8-банди қоидалари "Сирдарё" ЭИЗ  
дирекциясига татбиқ этилсин

---

102275 - ПФ-4059 02.12.2008 й. 3-банди. Навоий эркин индустрималь-  
иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга  
киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуидагича бўлган  
тақдирда ер солиги, мулк солиги, даромад солиги, ободончилик ва  
ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, ягона солик тўлови  
(кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Бюджетдан  
ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик  
лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал  
таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод  
этилсин.

---

102272 - ПФ-3932 29.10.2007 й. 7-банди 4-хатбоши. Ташкил этиладиган  
ихтисослаштирилган лизинг компанияси ўн йил муддатга - бўшайдиган  
маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш  
манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва  
маҳаллий соликлар тўлашдан озод этилсин.

---

102311 - ПФ-4786 28.03.2016 й. Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги хузуридаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ  
хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасига юклатилган  
вазифаларни амалга ошириш доирасида олинган Жамғарма даромадлари  
соликларга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар  
тўловларига тортилмайди.

---

102312 - ПФ-4786 28.03.2016 й. Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги хузуридаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ  
хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасига юклатилган  
вазифаларни амалга ошириш доирасида олинган Жамғарма даромадлари  
соликларга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар  
тўловларига тортилмайди.

---

102419 - ПФ-5229 07.11.2017 й 16-банд "O'zmedimpeks" ДУК 2023 йил 1  
январга қадар барча турдаги солик ва давлат мақсадли жамғармаларига  
мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилсин.

---

102420 - ПФ-5229 07.11.2017 й 16-банд "O'zmedimpeks" ДУК 2023 йил 1  
январга қадар барча турдаги солик ва давлат мақсадли жамғармаларига  
мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилсин.

---

102399 - ПФ-5106 05.07. 2017 й 13-банд 10-хатбоши. Ўзбекистон ёшлар  
иттифоқи марказий кенгашининг 2018 йил 1 январдан бошлаб кичик

---

бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланадиган сумманинг 8 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, шу жумладан, чет тилларини ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба кохоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожланиш жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги инобатга олиниб, мазкур имтиёзлардан тўғри фойдаланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин.

---

102253 - ПФ-3923 19.09.2007 й. 7-банди. 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 2018 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин.

---

